

XX асрнинг йирик сиёсий арбобларидан бири, ўзбек миллий давлатчилиги учун катъий кураш олиб борган Файзулла Хўжаев (1896-1938 йй.) ўта мураккаб ва чигал хаёт сўкмокларидан ўтишга мажбур бўлган тарихий шахс эди. Ф.Хўжаев ва унинг маслакдошлари хакида бири иккинчисини рад этувчи карама-карши фикр-мулохазалар билдирилиши хам шундан бўлса керак.

XX аср 20-30-йиллар тарихи Ватанимизда хам, хорижда яратилган Туркистон ўтмиши билан боглик тадкикотларда хам кескин мунозараларга сабаб бўлиб келмокда. Ф.Хўжаев аъзо бўлган жадидлар ташкилоти гарчи 1916 йилдан бошлаб сиёсий курашлар майдонига кирган бўлсада, ушбу шахснинг бевосита хукумат рахбари, давлат арбоби сифатидаги амалий фаолияти 1920 йил кузидан, Бухорода Амир Олимхон тахти агдарилиб, Бухоро Халк Совет Республикаси (БХСР) хокимияти ўрнатилиши билан бошланади.

1920 йил кузидаги сиёсий жараёнлар мамлакатда  мавжуд бўлган монархия тартиби ўрнига республика бошкаруви вужудга келтириш оркали намоён бўлди. Мангитлар сулоласининг сўнгги хукмдори Саид Олимхон Шаркий Бухоро (хозирги Тожикистон Республикаси) худудидаги омонсиз, нотенг жангларда большевиклардан енгилиб, 1921 йилнинг бахорида кўшни Афгонистонга мухожирликка кетди. Бу даврда Бухоро Республикаси хукумати Ф.Хўжаев рахбарлигида иктисодий, сиёсий, маданий ва маърифий сохаларда ислохотлар бошлаб юборганди.

Афгонистон ва Шаркий Туркистон (ХХР) ўзбек мухожирлари тўпланган асосий марказлар бўлишган. Амирга хамда унинг аъёнлари ва амалдорлари билан бирга эргашиб турли тоифадаги 200-250 минг сонли кишилар Шимолий Афгонистонга ўтишди. Бу хакда тадкикотчи Абдуллаев: «Шаркий Бухородаги кўпгина кишлоклар ва ахоли марказлари хувиллаб колганлиги, уларнинг ўрнида тўкайзор ва камишзорлар вужудга келганлигини ёзади ».

РСФСР хукуматининг зўравонликдан иборат сиёсати, «марказ» тазйики туфайли Бухоро Республикасининг мустакиллиги факат сўздагина мавжуд бўлиб колганди. БХСР хукумати таркибида фаолият олиб борган Ф.Хўжаевнинг сафдошлари истиклолчилар (босмачилар) томонига ўтиб кетаётган ёки хорижий мамлакатлардан сиёсий бошпана излаётган эдилар. БХСРнинг молия нозири, Марказий ижроия кўмита раиси лавозимларида ишлаган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968 йй.) Бухоро Республикасининг Афгонистондаги элчиси Хошим Шайх Ёкубов кабилар мухожирликни афзал кўрдилар. Абдулхамид Орипов (БХСР миллий армияси кўмондони) эса мухолифатдаги кучлар томонига ўтиб кетди.

Бир томондан БХСР замонавий мутахассисларга эга бўлиш учун Германия ва Туркияга ўзининг ўкувчиларини юборган, улар хам мухожирликда яшашарди.

Юкоридаги фикрларнинг тахлилига чукур мулохаза билан ёндашсак, XX асрнинг 20-йилларида мухожирларнинг уч гурухи вужудга келган эди.

1. Абсалют монархия тузуми тарафдори бўлган, амир Сайид Олимхон ва унга эргашган мухожирлар.
2. БХСР хукумати таркибида ишлаган, кейинчалик совет мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсатидан норози бўлиб хорижга чикиб кетган Ф.Хўжаевнинг маслакдошлари.
3. Ф.Хўжаев А.Фитрат, А.Бурхонов, Кори Йўлдош Пўлатов каби хукумат рахбарлари томонидан республика истикболини ўйлаб хорижий мамлакатларга ўкиш учун юборилганлар.

Ф.Хўжаевга хукумат рахбари сифатида 1920-1924 йилларда канчалик кийин бўлганлиги ва мураккаб шарт-шароитларда ишлашга тўгри келганлигини тасаввур килиш кийин эмас. Бир томондан мамлакат ичкарисидаги адоги йўк муаммолар, иккинчи томондан босмачилик (истиклолчилик) билан кураш олиб бориш, учинчи томондан «марказ»нинг хар кандай хийла ва найрангларига карамай, тўла миллий мустакилликка эришиш учун курашни давом эттириш, тўртинчидан эса мухожирликдаги миллатдошлари хакида кайгуриш, уларни ўз юртига кайтариш ёки имкон кадар хаётларини саклаб колиш масъулияти кабилар ёш нозирнинг зиммасида эди.

Афгонистонда амир Омонуллахон (1892-1960; 1919-1929 йй) бошкараётган «ёш афгонийлар» хукумати хам ўша мураккаб тарихий даврда огир ахволда колганди. Чунки Афгонистондаги мухожирлар таркиби хилма-хил бўлиб, ушбу мамлакатдан амирлик тарафдорлари хам, бу тузумга карши бўлган БХСР хукуматининг айрим аъзолари хам, тушуниб-тушунмай Амударё ўнг киргогига ўтган минг-минглаб оддий дехкон, чорикор, чорвадор, савдогарлар хам панох топишганди.

Ф.Хўжаев Афгонистонга ўтиб кетган, аслида Бухоро фукаролари (тобеълари) хисобланган ўзбек, тожик, туркман халки вакилларидан иборат чорвадор ва дехконларни ўз мамалакатларига кайтариш учун кўп куч-кудрат сарфлади. Бир пайтнинг ўзида хам хукумат рахбари, хам ташки ишлар нозири бўлган Ф.Хўжаев Афгонистон ташки ишлар нозири Махмудбек Тарзига (1868-1943 йй.) бир неча бор ушбу масалада ноталар билан мурожаат килган. Мавжуд материаллар билан танишар эканмиз, Афгонистон хукумати аъзолари ва махаллий беклар Бухоро фукароларидан давлат солиги талаб килаётганлиги, уларнинг чорва молларини тортиб олаётганлари, Амударёдан Бухоро Республикасига ўтиш учун рухсат бермаётганлиги билан боглик маълумотларга эга бўламиз. Ф.Хўжаев Афгонистон марказий рахбариятидан ушбу масалага эътиборни каратиш, Бухоро фукароларининг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг инсоний хукукларини химоя килишни талаб килган. Хужжатлардан бирида: «1920 йилда Афгонистон томонга Чоржўй ва Каркидан 25 минг оила туркманлар, 2 миллионга якин чорва моллари билан ўтиб кетган эдилар. Улар Бухоро тобеълари бўлиб, ўз юртларига кайтишни истайдилар... Туркманлардан 3 минг оила якинда ўз юртларига кайтиб келганлиги » кабилар кайд килинади. Ватанига кайтган собик мухожирлар учун уй-жой, моддий шарт-шароит яратишга алохида эътибор берилган. «Ф.Хўжаев хукумати Туркия, Афгонистон, Эрон сингари мамалакатлардан юртига кайтган саводли мухожирларни муаллимлик килишга ва турли маърифий-маданий ишларга жалб этган ». Хабарлардан бирида: «Хукумат тарафидан бир вактлар Афгонистонга чикиб кетиб,

хозирда Бухоро Жумхуриятига кайтмокда бўлгон Бухоро халкига 10 минг пуд бугдой, 120 кўш хўкиз берилди » деб ёзилади.
Бухоро амири ўз давлати пойтахтини ташлаб чикканида, унинг ортида оила аъзолари, кавм-кариндошлари колиб кетган эди. Отахон адиб Садриддин Айний (1878-1954 йй) маколаларидан бирида Ф.Хўжаев хукумати амирнинг оиласига инсонпарварларча муносабатда бўлганлигини ёзади . Амир Бухоро жадидларини (жумладан, Ф.Хўжаевни) 1918 йил мартдаги Колесов вокеасидан кейин асирга олса, мукаррар уларни мислсиз кийнок ва азобларга тўла ўлим кутарди. БХСР хукумати эса бу масалада эхтиёткорлик билан иш тутди.
БХСР ижрокўми бюросида 1923 йилнинг 15 майида амир оиласи билан боглик масала мухокама килинади. Бу масалани хал килиш учун Ф.Хўжаев, Кори Йўлдош Пўлатов, Аббос Алиев, Абдурауф Фитратдан иборат махсус комиссия тузилади. Комиссия карори билан амирнинг 120 га якин авлодларидан 51 киши (С. Айний маълумотича, 52 киши ) юборилди. 64 киши эса (жумладан уч ўгли Султонмурод, Шохмурод, Рахим) Бухорода колдирилди. Нима бўлганда хам ўша тарихий шароитда бундай карорга келиниши БХСР рахбари томонидан, айтиш мумкинки, ижобий карашга арзигуликдир.
Н.Наимов ва А.Эгамназаровларнинг ёзишича, ўзга юртда моддий жихатдан кийналмасин деб Ф.Хўжаев шахсан амирга 19 та бриллиант кўзли узук совга килиб юборган. Амир бу вокеадан сўнг унга килган ёмонликларига афсусланган .
Маълумки, Бухоро амирининг фарзандларини ўз олдига кайтариш учун совет хукуматига килган мурожаатлари ва Москвадаги афгон элчиси билан учрашувлари самарасиз бўлган. Бу муаммони хал килиш учун аралашиш ёки таъсир ўтказишга Ф.Хўжаев кодир эмасди.
Ф.Хўжаев ўз хукумати таркибида «босмачилар»ни кўллаётган кишилар борлиги, уларнинг озодлик учун кураш олиб бораётганлигидан хабардор бўлган. У мумкин кадар мухожирликда яшаётган, Бухоро Халк Республикаси мустакиллиги йўлида курашаётганлар билан алока килишга уринган. 1921 йил 8 ноябрда бошкирд миллати вакили, Туркистон озодлик харакатларида мухим роль ўйнаган Ахмад Заки Валидий Тўгон (1890-1970 йй) билан ўзаро мулокотда: «Ориповни (А.Орипов) харбий нозирликдан бўшатишни руслар кўпдан бери талаб килади, буни билиб кўй, бундан буён сен билан кўриша олмасмиз. Рахм йўк, муносабат шафкатсиз бўлади Шундай бўлсада Султонов ўз ўрнида колади, у билан алока килиш йўли очик бўлади »-дейди. Амирнинг ёзги кароргохи Мохи Хосада З.В.Тўгон билан учрашиб, уни бўлажак хавф-хатардан огохлантирган Ф.Хўжаев ушбу шахс ва унинг ёрдамчисига собик амир отхонасидан иккита учкур отлардан совга килади. Ушбу отлар билан Тўгон ва унинг шериклари Афгонистонга сог-омон ўтиб олишга муваффак бўладилар. 1923 йил июнь ойида Москвада миллий республика ва вилоят рахбарлари иштирокида РКП(б) МКнинг махфий 4-мажлиси бўлади. Ф.Хўжаев Бухоро Республикаси номидан сўзлаётган пайтда И.В.Сталин унга Валидов каерда? Деб савол беради. Ф.Хўжаев: «Валидов Ўрта Осиёнинг у еридан бу ерига чопиб юрибди, Бухорода, Тошкентда, Хоразмда. У босмачиларнинг рахбарларидан бири»,-деб жавоб беради. Аслида 1923 йил 10 мартидаёк Валидий хорижга чикиб кетган, унинг каердалигини республика рахбари яхши биларди.
Бухоро Республикасининг хакикий маънодаги мустакиллигини таъминлаш, миллий армияни шакллантириш, европалик харбий кисмларни республика худудидан чикариб юбориш, вакф мулкларини кайтариш, хар кандай воситачиларсиз хорижий алокаларга

киришиш, фавкулотда харбий трибунални бекор килиш, миллий урф-одат ва анъаналар асосида конунчиликни жорий килиш каби максадлар Ф.Хўжаев хукумати олдида турарди. Ушбу орзу-истаклар амалга ошиши йўлида Файзулла Хўжаев бошчилигида 1920 йилдаёк «Миллий иттиход» фиркаси ташкил этилганди. 1921 йил августида Бухорода яна бир ташкилот-Валидий бошчилигидаги Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) ташкилоти тузилганди. ТМБ Туркистон минтакасидаги барча истиклолчи гурухларга сиёсий жихатдан рахбарлик килувчи марказ вазифасини бажарарди. Ф.Хўжаев бу ташкилотга нафакат хайрхох, балки уни кўллаб-кувватларди.

Ф.Хўжаевнинг амакиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1922 йил сентябрда Афгонистон билан харбий битим тузиш, Бухоро миллий армиясини шакллантириш учун инглизлардан олтин баробарида Бухоро кўшинига курол-ярог сотиб олиш учун хорижга кетади. Лекин инглизлар унга ваъда беришдан нарига ўтишмайди. У максади хосил бўлмагач, Ф.Хўжаевга: «Ватанга кайтсам бўладими?»-деган мазмунда мактуб йўллайди. Ф.Хўжаев Усмонхўжага: «Вазият ёмон, кайтиб ўтирманг!» мазмунидаги яширин жавоб мактубини ёзган . Совет махфий идораси (ГПУ) У.Пўлатхўжаевни камокка олишга, охир-окибатда эса йўкотиб юборишга тайёрланаётганлиги хукумат рахбарига аён бўлиб, шундай карорга келганди. Мухожиратда яшаган Усмонхўжа Туркия Республикасидан туриб Ф.Хўжаев билан алокада бўлган. Бухоро Республикаси Марказий Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Муинжон Аминов бир оз Афгонистонда яшаган ва Усмонхўжа билан Ф.Хўжаев ўртасидаги мактуб ёзишмалари алокасини амалга оширган. Кейинчалик эса Москвада тахсил олаётган талаба Мисбах Бурхонов бу ердаги Туркия элчихонаси оркали Туркиядаги ўзбек мухожирлари ва Усмонхўжа билан бўлган алокаларда воситачилик килган. Республика хукумати аъзоларидан Ато Хўжа, Хамро Хўжа кабилар хам Усмонхўжа билан мактубий алокаларда бўлишган. Мухамар Бурхонов 1924-1925 йилларда Файзулла Хўжаевдан чет элларда шахсий дахлсизлигини таъминловчи махсус хужжат олган эди. У Туркиянинг Истамбул, Бурса, Костомира каби шахарларида тахсил олган. Бу мамлакатда озодлик курашчилари Усмонхўжа ва Носир Хакимовлар билан учрашган.

Айтиш мумкинки, Ф.Хўжаев хориждаги мустакиллигимиз учун курашган мухожир миллатдошларимиз билан доимо алокада бўлган.

Ф.Хўжаев рахнамолигида хорижий мамлакатларга ўкиш учун юборилган ўкувчи ва талабалаларнинг барчаси хам она юртига кайтмади. Ф.Хўжаев уларнинг ўкиши учун маблагни аямади, талабалар ахволидан шахсан ўзи хабар олиб турди.

У 1922 йилнинг кузида: «Мен Германияга асосан даволаниш ва талабалар ахволидан хабар олиш учун келдим »-деб ёзганди. Совет хукумати 1922 йилдаёк Германияга ўкиш учун юборилган бухоролик ёшларни Москвага кайтаришга уринган.

Ф.Хўжаев иктидорли ёшларни Ватанга кайтиб «немис айгокчиси», «соткин», «Ватан хоини», «империализм малайи» каби асоссиз тамгалар билан кораланиб, бадном килинишини истамаган. 1938 йил 28 январда бўлиб ўтган Муинжон Аминовнинг терговдаги кўрсатмасидан: «1922 йил Куйбишев (Валериан Куйбишев) мен ва Файзулла Хўжаевдан уларни (талабаларни) кайтарилишини, Москвага ўкитишни талаб килди. Хўжаев катъий рад жавобини берди. Сўнг Умар Фахриев деган кишини хат билан Германияга жўнатди. Ва у ерда таълим олаётган бухоролик талабаларга: «Совет ерига кайтмай туринглар »-деб топширик берди» каби фикрларни ўкиймиз. Хатто Туркияга хам виза (чакирув когози) ололмаган кўпгина талабалар 1925-1930 йилларда она юртлари Ўзбекистонга кайтишга мажбур бўлишди. Ватанга кайтганлардан Мухаммад Хўжаев,

Маткул Султонов, Абдувахоб Муродий кабиларни хизматда кўтарилишида шахсан Ф. Хўжаев хомийлик килган . Хорижда колиб ўкишини давом эттирган, кейинчалик Туркияда кўним топган 14-16 нафар собик талабаларга Ф.Хўжаев М.Бурхонов оркали моддий ёрдам кўрсатиб турган. У Германиядаги Олимжон Идрисий, миллионер Амин Сулаймон, савдогар Эйдельманлар билан алокада бўлиб, туркистонлик талабаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб туришни ушбу шахслардан сўраган. Ф.Киличевнинг ёзишича, Ф.Хўжаев хорижда яшовчи М.Чўкаевни (1890-1941йй) моддий жихатдан таъминлаш учун турли йўллар билан унинг номига тилла ва пул юбориб турган. Ўша даврда М.Чўкаевнинг моддий ахволи огир бўлиб, рус мухожирларининг газеталарига ёзган маколаларидан келадиган калам хаки (гонорар) хисобидан яшаганлигини хисобга олсак, ушбу маълумот хакикатдан йирок эмас деган хулосага келсак бўлади. Маълумки, мухожир ўзбеклар 1920-йилларда хорижда ўзларининг миллий мажмуа ва газеталарига асос солишган. 1926 йилда Усмонхўжа Пўлатхўжаев Туркияда юртимизнинг иктисодий, сиёсий, маданий, тарихий масалаларини ёритувчи «Янги Туркистон» мажмуасини чоп эттирган. Мустафо Чўкай 1929 йилда Парижда «Ёш Туркистон» (1929-1939 йилларда чоп этилган) мажмуасини чикарган. Файзулла Хўжаев тарихий хакикатни ёритувчи ушбу матбуот органлари чоп этилаётганлигидан хабардоргина бўлиб колмай, балки уларнинг мутассил чикиб туришида маънавий ва моддий рахнамо бўлганлиги эхтимолдан холи эмас.

Хуллас, Файзулла Хўжаев хорижда яшашга махкум этилган, юрагида Ватан мехри ва хасратини умр бўйи саклаган миллатдошларимизнинг истак ва интилишларини чукур англай олган, озодлик ва мустакиллик учун курашга умрини бахшида этган инсон эди.

Шодмон Хайитов-НамДУ, «Ватан тарихи» кафедраси докторанти, т.ф.н., доцент.